

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son 10

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 10 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Фарманова Гулнара Комилевна*
МЕТОДЫ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО
СОГДА В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКА 9-18
- Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ ҲУЖЖАТЛАРИДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИНИНГ
ҚУРИЛИШИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР (XX АСР 20-ЙИЛЛАРИ ОХИРИ-30-ЙИЛЛАР
БОШИ) 19-26
- Ахмедов Шахзод Фарход ўғли*
МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ
УМУМИЙ ҲОЛАТИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАРИ 27-34
- Mirsoatova Sayyora Turg'unovna*
MARKAZIY FARG'ONA NEOLIT JAMOALARI MADANIYATI HAQIDA MULOHAZALAR 35-39
- Янгибоева Дилноза Ўктамовна*
МУҲАММАД ШАРИФЖОН МАХДУМ САДРИ ЗИЁНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
ФАОЛИЯТИ 40-48
- Маҳмудов Эркинжон Асқаралиевич*
АРАБЛАР ТОМОНДАН ФАРФОНАНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ВА
УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ 49-53
- Yoriqulov Nasibulla Xoliyorovich*
O'ZBEKISTON HUDUDIGA G'ARB ME'MORCHILIK AN'ANALARINING KIRIB KELISHI 54-58
- Ergasheva Bahridil G'olibjonovna*
IJTIMOIY TARMOQLARDAGI REKLAMALARNING IJTIMOIIY-MA'NAVIY HAYOTGA TA'SIRIGA
DOIR MULOHAZALAR (ETNOSOTSILOGIK TAHLIL) 59-65
- Абдухамидов Исломбек Абдухалим ўғли*
МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ЎРГАНИШДА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР 66-74
- Boltayeva Moxichehra Jamshid qizi*
XORIJIIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN ISHLAR VA
ERISHILGAN KO'RSATKICHLAR (JIZZAX VILOYATI MISOLIDA) 75-80
- Кандахаров Анваржон Хасанович, Бабаярова Шахноза Шухратовна*
БУХОРО ХОНЛИГИДА АБДУЛЛАХОН II ДАВРИНИНГ ҚУРИЛИШ ИНШООТЛАРИ
ТАРИХИГА БИР НАЗАР 81-86

8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Boltayev Nurali Shiramatovich*
AGRAR OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MALAKALI KADRLAR TAYYORLASHNING
BOSHQARUV SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI 87-93

<i>Дустова Мухайё Худайбердиевна</i> РОСТ, УСТОЙЧИВОСТЬ, ДОХОДНОСТЬ: ЭКОНОМЕТРИКА ФИНАНСОВЫХ ПОТОКОВ НА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ	94-102
<i>Ravshanov Malik Naimovich</i> METHODOLOGY FOR DETERMINING THE NEED FOR ECONOMIC RESOURCES OF THE ROAD TRANSPORT COMPLEX.....	103-108
<i>Xushmuradov Oman Namozovich</i> TIJORAT BANKLARI MOLIYAVIY BARQARORLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI	109-115
<i>Raximjonov Kamronbek Ixomjon o'g'li</i> DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA KORRUPSIYANI OLDINI OLISH	116-121
09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна</i> АКАДЕМИК ИБРОҶИМ МЎМИНОВ ИЛМИЙ ЖАСОРАТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ	122-128
<i>Talabov Baxriddin Alijanovich</i> KONSTITUTIONIZM DEMOKRATIK RIVOJLANISHNING ASOSI SIFATIDA	129-134
<i>Tajibaev Muxiddin Abdurashidovich</i> JAMIYAT HAYOTIDA SINERGETIK DUNYOQARASH PARADIGMASINI TADQIQ QILISHNING AHAMIYATI	135-140
<i>Солиев Икромжон Комилжонович</i> РАҚАМЛИ ДУНЁДА ИНСОН ҚАДРИ МУАММОСИ: ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИН	141-147
<i>То'хтайев Hakim Primovich</i> TASAVVUF TA'LIMOTLARIDA QADRIYATLAR TRANSFORMATSIYASINING NAMOYON VO'LISH XUSUSIYATLARI	148-153
<i>Уразалиева Гулшада</i> СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КАТЕГОРИИ «ГЕНДЕР» В СИСТЕМЕ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ	154-160
<i>Гуламова Мавжуда Ташпулатовна</i> ИЖТИМОЙ АХЛОҚ МЕЗОНЛАРИНИ ЎРГАНИШДА КУМУШХОНАВИЙ ВАСИЯТНОМАЛАРИНИНГ ЎРНИ	161-165
<i>Xoliqov Lazizjon Maxmud o'g'li</i> GLOBAL O'ZGARISHLAR SHAROITIDA O'ZBEKISTONNING IJTIMOYIY-DUNYOVIY DAVLAT SIFATIDAGI MAQOMI (IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLIL)	166-171
<i>Quvonov Sardor Zokirovich</i> MA'NAVIY TARBIYANI SHAKLLANTIRISHDA "MANOQIBI SHAYX XUDOYDOD VALIY" ASARINING AHAMIYATI	172-179
10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	

<i>Халметова Меҳрибону Гайратжонова</i> ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДЕТСКОЙ ЛЕКСИКИ В НЕМЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ	180-186
<i>Abdijabbor Amanov</i> MURAKKAB SINTAKTIK BUTUNLIKNING MATNNING KATTA BIRLIGI SIFATIDA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	187-194
<i>Umarova Xurshida Zikiryoixonovna</i> AQSH ADABIYOTIDA PSIXOLOGIK ROMAN TADRIJI	195-203
<i>Odinayev Bekqul Imamqulovich</i> LISONIY SHAXS: TA'RIF, TAHLIL, TALQIN	204-210
<i>Jaloliddin Jo'rayev, Jamoliddin Jo'rayev</i> "DEVONI LUG'ATIT-TURK" VA "GULSHAN UL-ASROR"DAGI QADIMGI TURKIY SO'ZLAR QIYOSI	211-217
<i>Saidov Akmal Azimovich</i> "TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI" YO'NALISHIDA TAHSIL OLAYOTGAN TALABALARDA MADANIYATLARARO MULOQOT KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH	218-224
12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Qosimov Botirjon Ma'rufjon o'g'li</i> SUDYALAR OLIY KENGASHINI SUDYALARNING CHINAKAM HAMJAMIYATI ORGANIGA AYLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY MASALALARI	225-231
<i>Жўраев Дилмурот Мухторович</i> МАЪМУРИЙ ВА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ЭТИШДА КЕЛИШУВ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР	232-240
<i>Эшонхонов Камолхон Маматхонович</i> БАНД СОЛИНГАН МУЛКНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАСАРРУФ ЭТИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР.....	241-246
<i>Бўриев Одил Қобилович</i> КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ МЕЗОНИДИР	247-253
13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
<i>Umarzoda Shohruh Azamat o'g'li</i> "ALGORITMIK TILLAR VA DASTURLASH ASOSLARI" FANI MAZMUNI VA O'QITISHNING MAVJUD HOLATI	254-259
<i>Эргашева Гули Исмоил кизи, Инамова Гуллола</i> ЗНАЧИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ ФОНЕТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ В ПРОЦЕССЕ КОММУНИКАЦИИ.....	260-265

<i>Bobomurotov Sirojiddin Mengziyo o'g'li</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA TABIIY FANLARNI VARIANTIV TUSHUNCHALAR ASOSIDA O'QITISHDA SHARQ MUTAFAKKIRLARINING O'RNI	266-271
<i>Xudoyberdiyev G'iyosiddin Baxtiyor o'g'li</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK JIHATLARI	272-277
<i>Ботиров Азизбек</i> РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ: АНАЛИЗ И ПЕРСПЕКТИВЫ	278-283
<i>Эшбеков Сардор Журакулович</i> ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШИНИГ МУҲИМ ОМИЛИ	284-288
<i>Abdullaeva Feruza Suyunovna</i> KASBIY TERMINOLOGIYANI O'RGATISHDA INTERAKTIV TEXNOLOGIYALARNING O'RNI	289-293
<i>Ortiqov Oybek Rustamovich</i> OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNING TASHKIL ETILISHI.....	294-298
<i>Erhanova Nasiba Absayitovna</i> MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARINING "TIL VA NUTQ" MARKAZIDA INNOVATSION FAOLIYAT OLIB BORISH	299-303
<i>Robiya Mannopova</i> INNOVATIVE COMPETENCY AS A CORE COMPETENCE OF FOREIGN LANGUAGE TEACHERS.....	304-308
<i>Qodirov Olim Odilovich</i> REFLEKSIV YONDASHUV, UNING MOHIYATI VA KONSEPTUAL ASOSLARI.....	309-314
<i>Xaydarova Mahliyo Xabibullayevna</i> TARBIYA FANINI O'QITISHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI.....	315-322
<i>Xasanova Gulsanam Xusanovna</i> IJTIMOIY-MADANIY FAOLIYATDA MAGISTRATURA TALABALARINING TASHKILIY- BOSHQARUV KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI	323-328

07.00.00 – Тарих фанлари

Саидбобоева Гулзора Нематжонова,
Ўзбекистон Миллий университети доценти, т.ф.ф.д. (PhD)

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ ХУЖЖАТЛАРИДА ГИДРОЭЛЕКТР
СТАНЦИЯЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР (XX АСР 20-ЙИЛЛАРИ
ОХИРИ-30-ЙИЛЛАР БОШИ)**

Аннотация. Мақолада XX асрнинг 20–30-йилларида республикамизда гидроэлектр станцияларини қурилишига доир Ўзбекистон Миллий архиви хужжатлари таҳлил қилинган. Гидроэлектр станцияларига доир турли хужжатлар асосида электрлаштириш жараёнининг амалга оширилиши ҳақида батафсил маълумот берилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА), фонд, йиғмажилд, электрлаштириш, гидроэлектр станция, 20–30-йиллар.

Saidboboeva Gulzora Nematjonovna,
Docent of the National University of Uzbekistan, PhD

**INFORMATION ON THE CONSTRUCTION OF HYDROPOWER PLANTS IN THE DOCUMENTS
OF THE NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN (THE END OF THE 20S-EARLY 30S OF THE
XX CENTURY)**

Abstract. The article analyzes the documents of the National Archives of Uzbekistan on the construction of hydroelectric power stations in the 20-30s of the 20th century. Detailed information on the implementation of the electrification process is given on the basis of various documents on hydroelectric power stations.

Keywords: National Archive of Uzbekistan (NAUz), fund, collection, electrification, hydroelectric station, 20-30 years.

Саидбобоева Гулзора Нематжонова,
Доцент Национального университета Узбекистана, д.ф.и.н. (PhD)

**СВЕДЕНИЯ О СТРОИТЕЛЬСТВЕ ГИДРОЭЛЕКТРОСТАНЦИЙ В ДОКУМЕНТАХ
НАЦИОНАЛЬНОГО АРХИВА УЗБЕКИСТАНА (КОНЕЦ 20-Х–НАЧАЛО 30-Х ГГ. XX ВЕКА)**

Аннотация. В статье анализируются документы Национального архива Узбекистана о строительстве гидроэлектростанций в 20-30-х годах XX века. Подробная информация о реализации процесса электрификации дана на основе различных документов по гидроэлектростанциям.

Ключевые слова: Национальный архив Узбекистана (НАУз), фонд, дело, электрификация, ГЭС, 20-30 годы.

Кириш. Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА) 1958 йил 20 ноябрда ташкил этилган бўлиб, бу ерда ўрта асрлардан токи 1917 йиллардаги тарихий даврга оид архив ҳужжатлари, шунингдек, Туркистон АССР, Ўзбекистон ССРнинг юқори органи ва давлат бошқаруви ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик давридан ҳозирги кунгача бўлган ҳужжатлар сақланади. ЎзМА фонд ҳужжатларининг қарийб 1,8 млн йиғмажилдлари Миллий архив фонди (МАФ) ҳужжатларини ташкил этиб, улардан 0,5 млн йиғмажилдлар алоҳида қимматли ҳужжатлардир.

ЎзМАнинг қуйидаги фондлари архив ҳужжатларида республикада ХХ асрнинг 20–30 йилларида гидроэлектр станциялар қурилишига доир қимматли маълумотлар бор: Р-1-фонд – Меҳнат ва мудофаа Кенгаши комиссарлиги (УполСТО), Р-9-фонд – Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЕКОСО), Р-10-фонд – Ўрта Осиё Давлат Режа қўмитаси (Средазгосплан), Р-25-фонд – Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Кенгаши (СНК ТАССР), Р-88-фонд – ЎзССР Давлат Режа қўмитаси (Госплан УзССР), Р-89-фонд – ЎзССР Халқ хўжалиги Олий Кенгаши (ВСНХ УзССР), Р-95-фонд – ЎзССР Ишчи-деҳқон Халқ комиссарлиги, Р-382-фонд – САГУ қошидаги Ўрта Осиё иқтисоди бўйича илмий-тадқиқот Бюроси, Р-837-фонд – ЎзССР Халқ Комиссарлари Кенгаши (СНК УзССР), ЎзССР Министрлар Совети (Сов. Мин. УзССР).

Таҳлил ва натижалар. ЎзМАнинг Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлари совети ҳужжатлари сақланаётган Р-837-фондининг 2-рўйхатидаги 1926 йилга доир “Ўзбекистонни электрлаштириш бўйича материаллар ва маълумотларнинг таарихий шарҳи ва масаланинг замонавий ҳолати” деб номланган 371-йиғмажилдда муҳандислар Моргененков ва Захаров Тошкент райони бўйича 1935 йилда 17500 кВт, иккинчи ўн йиллик – 1945 йилда 50,70 кВт энергия талаб этилишини маълум қилишган. Шунингдек, Фарғона областида (Исфайрамсой, Учқўрғон, Хўжабақирғон ва Норин станциялари), Самарқанд областида шаҳар кўчаларини ёритиш (Дарғомда гидроэлектр станция), Зарафшон областида (4500 кВт кучга эга иссиқлик, Каттақўрғон яқинидаги Оқдарёда 7500 кВт ли гидроэлектр станциялари), Хоразмда (Питнақдан жанубда Қуйи Амударё ГЭС орқали Хива, Гурлан, Манғитга магистраль электр узатиш тармоғи), Қашқадарё областида (3100 қувватга эга Шаҳрисабз ГЭС), Сурхондарё областида (Шеробод ГЭС) ҳам электрлаштириш бўйича қатор маълумотлар мавжуд [1].

1926 йил 6 июлда республика ҳукуматининг Ф. Хўжаев раислигида ўтган иқтисодий режа ва бюджетни ишлаб чиқиш комиссияси мажлисида ҳам Ўзбекистон ССРнинг 1926–1927 хўжалик йилига мўлжалланган электрлаштириш режаси атрофлича муҳокама қилинган. Мажлисда электр қурилиши режасини тузаётганда, гидроэнергетика қурилишига асосий йўналиш сифатида қаралиши зарурлиги таъкидланиб, электрлаштиришнинг беш йиллик режасига 2 та: Самарқанд ва Фарғона вилоятларида ГЭС қуришни киритиш зарур деб ҳисобланган.

Келгуси молиявий йилда соҳада изланишлар зарурлиги қайд этилиб, Давлат план комитетига ишлаб чиқариш ва илмий-қидирув дастурлари бўйича беш йиллик режа учун ажратмалар кўрсаткичларини яқунлаш тавсия қилинган.

Иштирокчилар яқдиллик билан айрим ҳудудлар ва корхоналарнинг эҳтиёжларини қондириш учун кичик иссиқлик станцияларини ўрнатиш маҳаллий саноатни ривожлантириш учун ажратиладиган маблағлардан тегишли маблағлар ажратилган ҳолда маҳаллий режада кўзда тутилиши зарур деб ҳисоблашган.

Фарғона шаҳри ҳудудида қурилаётган корхоналар учун ҳаракат қурилмаларига совет маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, давлат маблағларидан электрлаштириш учун 200 минг сўмдан ортиқ бўлмаган сумма ажратилиши белгиланган [2].

1927 йил 8 июнда Ўзбекистон ССР Давлат план комитети вакиллари республиканинг сув хўжалиги бўйича Ўрта Осиё Давлат план комитети томонидан белгиланган мақсадли кўрсаткичлар бўйича ўз таклифларини баён этишиб, қатор гидротехник қурилишлар учун молиявий маблағлар ажратишини сўрашган. Хусусан, Ўрта Осиё бўйича давлат режаларидан ташқари жами 1075000 сўм киритиш (Фарғонадаги ГЕСга – 800 минг сўм, Фарғона водийси (Қўқон), Наманган, Андижонга – 200 минг ва кичик станцияларни кенгайтиришга – 75 минг) [3].

Тегишли устама ҳисобларга кўра, 1930–1931 йилларга келиб 3700 кВт истеъмол қувватига эга бўлиш ва йилига 700 минг кВт соат энергия истеъмол қилиш аниқланган. Мавжуд ҳолат тармоқлар ва трансформаторлардаги йўқотишларни ҳисобга олиб, захирасиз станция тахминан 2300 кВт зарур қувватга эга ва ишлаб чиқариши йилига 9100000 кВт соатни ташкил қилиши аниқланган.

Минтақада катта миқдорда мавжуд бўлган сув энергия манбалари келгуси беш йил ичида энергия хўжалиги учун асос бўлиши мумкин.

Энергия ишлаб чиқариш таннархи 5-6 тийинга прогноз қилинган [4].

Ўзбекистон ва Тожикистонда сув энергияси манбаларининг кўплиги ва уларнинг жойлашуви ишлаб чиқариш муносабатлари энг ривожланган ва республикаларнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларига яқинлигининг алоҳида шароитларини ҳисобга олган ҳолда, бир қанча қудратли район гидроэлектр станциялари, баъзи жойларда эса иссиқлик станциялари барпо этилиб, Ўзбекистон ССР ва Тожикистон АССРни электрлаштириш учун асос бўлди.

1926–1927 йилларда Ўзбекистон ВСНХсидан бериладиган фавқулдда харажатлар фонди орқали Самарқанд ва Фарғона вилоятларида гидроэлектр станцияларини қуриш учун станцияларни илмий-тадқиқоти ва лойиҳалаштириш учун 85000 сўм ва 11500 сўм, жами 240000 сўм маблағ ажратиш зарур деб ҳисобланган [5].

Тошкент гидротсентрали бўйича 1000 кВт қувватга эга учинчи агрегатни ўрнатиш ва Бўзсув станциясидан Кауфман станциясининг саноат пунктларига электр узатиш мосламаларини ўрнатиш учун 460000 сўм ажратилган.

1926–1927 йилларда Ўзбекистон ССР давлат электрлаштириш учун фавқулдда харажатлар бўлими бўйича жами ажратмалар 1450000 сўм миқдорида белгиланган.

Маҳаллий электр иншоотлари учун – Қаршига 80000 сўм, Янги Урганчга 8000 сўм, Қўқонга 112000 сўм, Андижонга 14800 сўм ажратилган маблағларни ҳисобга оладиган бўлсак, Ўзбекистон ССРда маҳаллий электрлаштириш учун йўналтирилган маблағлар 800000 сўмни ташкил этган [6].

ЎзМАНинг Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЕКОСО)га оид фонди (Р-9)да машҳур муҳандис К.А. Дренновнинг* “Ўрта Осиёни электрлаштириш режасига тезислар” номли маърузаси сақлнамоқда. Маърузада Ўрта Осиёни давлат электрлаштириш режаси мамлакатда халқ хўжалиги ҳаёти: а) фан ва техника; б) маданият; с) меҳнат; д) иқтисоднинг асосларини ривожлантиришни таъминлаши, Давлат электрлаштириш режаси беш йиллик режани тайёрлашни ҳам, электрлаштиришнинг умумий 25 йиллик режасини ҳам қамраб олиши атрофлича баён этилган [7].

Иқтисодий сиёсатни ўрнатишнинг қоидалари собиқ Россияга нисбатан Ўрта Осиё энергетика секторининг ўта қашшоқлик ва қолоқлик ҳолатини бартараф этиш зарурати билан боғлиқ. Ўрта Осиё энергетика иқтисодиётининг ваҳший технология ва маълум даражада ёмон аҳволи, бир томондан, собиқ империя Россиясининг Ўрта Осиёнинг маданий эҳтиёжлари ва талабларини эътиборсиз қолдирганлиги, бошқа тарафдан капитализм ва мустамлакачилик сиёсати даврдан келиб чиққан ўтган даврда мамлакатнинг саноатлаштирилмаганлиги билан изоҳланади.

Суғориш тизимларида гидростанциялар қуриш, албатта, Водхознинг иши билан боғлиқ бўлиши, суғориш ва электрлаштиришдан ташқари, суғориш лойиҳалари ва тегишли иншоотлардан фойдаланган ҳолда максимал самарага эришиши керак.

Ўрта Осиё республикаларини саноатлаштириш, энг аввало, Ўрта Осиёнинг энг муҳим саноат ва иқтисодий асосларини, Тошкент ва Фарғона водийларини тўлиқ электрлаштиришни мажбуриятини юклайди [8].

20 йилларнинг охирида (1928–1929) Ўзбекистон ССРда электрлаштириш қурилиши учун талаб этиладиган маблағ ва молиялаштириш асосан Иттифоқ, республика, маҳаллий бюджетлар ва истеъмолчилар маблағлари ҳисобига амалга оширилган бўлиб, қуйидагича қўринишга эга бўлган (минг сўмда) [9]:

№		СССР	Республика	Маҳаллий	Истеъмолчилар маблағлари
1	Электрлаштириш	1000	1661	533,5	1500
2	Район	1000	900	100	1500
3	Коммунал	–	761	373,5	–
4	Қишлоқ хўжалиги	–	–	60	–

Кўриниб турибдики, тармоқда асосан марказдан кўра, республика, маҳаллий бюджетлар ва истеъмолчилар маблағларининг улуши бирмунча кўпроқни ташкил этган бўлсада, қишлоқ хўжалигини электрлаштиришга фақатгина маҳаллий бюджетлардан жуда кам миқдордаги маблағ йўналтирилган.

1930 йил 3 майда СССР Халқ комиссарлари Советидан республика раҳбари Ф. Хўжаевга Ўрта Осиё энергетикаларининг I съезди юзасидан жўнатилган телеграммада шундай дейилган: “Иттифоқ Халқ комиссарлари Совети энергетика съезди масаласини Назорат кенгаши (Совконтрол)га хулосага юборди. Назорат кенгаши ходимида масала юзасидан бир қатор келишмовчиликлар бор. Фикримизча, бир қатор маърузалар энергетика секторига бевосита алоқаси йўқ. Қанча ёзма маъруза тайёр ва ким томонидан кўриб, қайта ишлаб чиқилди? Назорат кенгаши ёзма маърузаларни йиғиш, ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилишини, Ўзбекистон ҳукумати маъқуллашини ва кейин съезд тайинлашни тавсия қилади. Назорат кенгаши хулосаси учун Назорат кенгашига Геммервердга телеграмма юборинг. Республикалардан номзоди кўрсатилган барча маърузачилар текширилганми?» [10]

Чирчиқстройнинг етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблари ва молиявий ҳолати тўғрисидаги масала юзасидан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгаши “Ўзенерго” 1 июнга қадар Чирчиқстройнинг аввалги ўзаро ҳисоб-китобларидан қатъи назар, узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мажбуриятини юклаш тўғрисида

қарор қабул қилиб, улар бўйича келишмовчиликлар ҳал этиш учун Главенергога юборилганлигини маълум қилган.

СССР Халқ Комиссарлари Совети қарорига мувофиқ “Ўзкомбанк” 1930 йилнинг 15 июнига қадар Чирчиқстрой қурилиш ишларини лойиҳа ва сметасиз молиялаштириши таклиф этилган [11].

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЕКОСО) Президиумининг 1930 йил 22 июнда бўлиб ўтган мажлисида Ўрта Осиё энергетикалари съездини чақириш ва унинг ташкилий бюросини ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилган. Ўрта Осиё республикалари энергетикаси масалалари ва улардан оқилона фойдаланишнинг йўлларини чуқурроқ ишлаб чиқиш, Ўрта Осиё халқ хўжалиги энергия таъминотининг истиқболли ва бош режаларини тезда амалга ошириш мақсадида, ўша йилнинг 1 ноябрида Ўрта Осиё энергетика съездини чақириш ва уни ташкил этишга раҳбарлик Д.П. Розит* зиммасига юклатилган [12].

Совет ҳукуматининг 30 йиллардаги қатағон машинаси ташкилотчи ва ишчан кадрлар қатори асл миллати латиш бўлган Д.П. Розитни ҳам аямади. У 1929 йилдан Ўрта Осиё Давлат план комиссиясининг раиси, Ўрта Осиё иқтисодий Совети (СредазЕКОСО) раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган. 1932 йилнинг апрелида Ўзбекистонга келиб, ўша йилнинг ўзида “Ўрта Осиё Днепростройи” деб ном олган “Чирчиқстрой” давлат қурилиш бошқармаси (Чирчиқ электрокимё заводи ва Чирчиқ-Бўзсув ГЭСлар каскади қурилиши бўйича) бошлиғи этиб тайинланган. 1937 йил 3 январда ҳибсга олинган ва саботажда айбланиб, Москвага олиб кетилган. 1 июлда эса СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан аксилинқилобий террорчи ташкилотда иштирок этганликда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган ва шу куни отиб ўлдирилган. 1958 йилда оқланган. Чирчиқда унинг номида кўча бор.

1938 йилда расман ҳукумат нашри бўлмаса ҳам, амалда унинг фикрини тарқатувчи маҳаллий газетада ўзи бир пайтлар 5 йилча тиним билмай бошқарган “Чирчиқстрой” ишчилари номидан ёзилган мақолада шундай дейилган: “...Ватаннинг бу хоинлари – Икромов, Хўжаев, Розит “Чирчиқстрой” қурилишига ифлос панжаларини қўйдилар. Улар ўзларининг бузғунчилик ҳаракатлари билан қурилишни кечиктиришди, давлат маблағларини исроф қилишди ва қурилишдан ҳалол одамларни сиқиб чиқаришди. Шу билан бирга, улар қурилишни бегоналар, ҳар хил бандитлар билан тўлдиришди. Биз, “Чирчиқстрой” жамоаси, Олий суднинг фашизм ёлланма бандитларининг бу қабиҳ тўдасини йўқ қилиш ҳақидаги ҳукмини бир овоздан маъқуллаймиз” [13].

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг 1930 йил 29 октябрдаги мажлисида эса энергия хўжалиги ва қурилишини бошқариш масаласи кўрилиб, унинг якуни бўйича Энергоцентрнинг Ўрта Осиё район бошқармаси ташкил этишга, зудлик билан Энергострой бўлимини очишга, барча изланишлар, йирик иссиқлик ва барча гидро иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш Энергостройнинг Ўрта Осиё бўлимига, Бутуниттифоқ энергетика бўлими (ВЕО) лойиҳа Бюроси аппаратини (монтаж аппаратидан ташқари) эса янги очилаётган Энергострой бўлимига топширишга, Ўрта Осиё Энергостройи қурилиш сектори асосига Қодирия ГЭС бошқарувини юклашга, Ўрта Осиё энергия иншоотларини излаш, лойиҳалаш ва қуриш ишларини Энергоцентрнинг

рухсатисиз, Энергостройдан бошқа ташкилотларга беришни таъқиқлашга қарор қилинган [14].

ЎзССР Халқ хўжалиги Олий Совети Президиумининг 1931 йил 13 сентябридаги йиғилишида Қодирястрой қурилишининг бориши тўғрисидаги ҳисобот эшитилиб, “жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, қурилиш ишлари умумий ҳажми 86 % га бажарилганлиги ва бажарилган ишлар тупроқ ишлари бўйича режага нисбатан 15 кунга, бетон ва темир-бетон ишлари бўйича 1 ойга кечикканлиги қайд этилган” [15].

Шунингдек, СредазЕСОСОга Қодирястрой манзилига келган қурилиш материалларини эгасиз қолдириши ва бошқа қурилиш ташкилотларига ўтказиши қатъиян ман этилган.

Мажлис қарори билан, қабул қилувчилар томонидан станция юкланганда, темир йўлдан ўз вақтида ташиб кетилмаган цемент ва ёғочни биринчи навбатда Қодирястройга жўнатишга келишилган.

Қурилишга “Парострой” заводидан темир-бетон қувур линиясининг дастлабки октябрнинг 1-санасидан кечикиб келган бўлса, кейингиси декабрга қадар, Брянскдаги “Профинтерн” заводидан эса кўприкли кран 31 октябргача, Сталинграддаги “Баррикада” заводидан эса турбина валлари ҳам октябрь ойида етказилиши ўта муҳимлиги таъкидланган [16].

1932 йилнинг 17-26 март кунлари Самарқанддаги Дарғом ГЭС қурилишини ўрганиш давомида тузилган актга қараганда, «1932 йил 1 январдаги 58000 сўм миқдоридagi иш ҳақи қарзи 20 март ҳолатига кўра 17000 сўмга камайди, аммо бу вақтга келиб ишдан бўшатишларга иш ҳақи ва ишдан бўшатиш тўловлари бўйича янги қарзлар 70000 рублни ташкил этди. Ишчиларни ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаши, асосан, маблағ етишмаслигидан иш ҳақини тўламаслик ва умуман вақтинчалик ишлар сабаб бўлса, бунга яна ишларнинг тугашидан штатлар қисқариши ҳам қўшилди. Шундай қилиб, декабрь ойида ўз хоҳишига кўра 51 киши, январь ойида 101 ва штат қисқаришидан 4 киши, февраль ойида 148 ва март ойида эса штат қисқаришидан 129 киши ишдан бўшаган» [17].

Ўрта Осиё Давлат Режа қўмитаси (Средазгосплан)нинг Ўрта Осиёда район электр станциялари бунёд этилишига доир маърузасида 1933 йилда минтақада қурилиши давом этаётган 3 та электр стациянинг 2 таси (1 таси Тожикистонда, Сталинобод шаҳридан 18 км узоқликда, 7500 кВт қувватли Варзоб ГЭС) Ўзбекистон ҳудудига тўғри келишининг ўзи ҳам ўтган асрнинг 30 йилларидаёқ республика саноати, хусусан энергетика тизими қўшни республикалардан олдинда бўлганини далиллайди. Хусусан, Тошкентдан 18 км узоқликдаги Қодиря ГЭС қуввати 13200 кВт ни, Қувасой ГЭС биринчи навбатининг қуввати эса 24000 кВт ни ташкил этиши (жами иккаласиники 37200 кВт)ни инobatга олсак, бу паллада Ўрта Осиё республикаларида ана шундай улкан қувватлар берувчи энерго иншоотлар қурилмаган (биргина Тожикистонда, унинг қуввати ҳам атиги 7500 кВт).

Қодиря ГЭСини ҳисобга олмаганда қарийб барча қурилишларда, бироз силжиш бўлса, умумий иш ҳажми ва 1932 йилги режа Главенерго томонидан йил давомида бир неча марта камайтириб ўзгартирилган.

Қодиря қурилишининг охирги қиймати бошланғич сметадаги 12190 минг сўмдан ошиб, 13500 минг сўм этиб белгиланган. Қувасой ГЭСида қурилиш бошидан буён

атиги 1337,3 минг сўмлик, шу жумладан 1932 йилги режадаги 3825,1 минг сўм ўрнига 1002,3 минг сўм ишлар бажарилган. Унинг дастлабки қиймати 15725 минг ўрнига 23666 минг сўмга қайта ҳисоб-китоб қилинган [18].

Бўржар ГЕСининг қурилиши давомида шағал ва қум етказиб беришда сурункали узилишлар қайд этилган. Қурилиш материалларини ташиниш учун шахсий транспорти бўлмагани кескин етишмовчилик бўлиб, қурилишда атиги 4 та трактор хизмат кўрсатган [19].

Биргина 1934 йилда ГЕСнинг қурилишига 1380 тонна цемент, 184 куб ёғоч, 50 куб м тилинган бинокорлик материаллари, 1,4 тонна мих, 50 тонна арматурали темир, 30 тонна оҳактош, 238 минг дона пишиқ ғишт ва 350 кв м фанер асосий эҳтиёж учун етишмайдиган қурилиш материаллари ҳисобланган.

ГЕСнинг Маданият ва меҳнат саройини қуриш учун 1934 йилда 461 минг сўмлик сармоя ўзлаштирилган бўлиб, умумий сармоя суммасининг 44 % ини ташкил этган [20].

Ўзбекистонни электрлаштиришнинг беш йиллик режасига бағишланган архив ҳужжатида республикада электрлаштиришнинг аҳволи ўз тараққиётининг фавқулодда кўйи даражасида эканлиги, республиканинг электр хўжалиги асосан маҳаллий саноат бўлимлари (промотдел) ва ижроқўмлар таркибидаги қатор электр станциялардан ташкил топганлиги, кўпроқ ривожланган саноат райони – Тошкентда бир йилда жон бошига 40 кВт соат электр энергия тўғри келиши, Ўзбекистон ССРдаги барча электрлаштириш 3 та қисмга: район, маҳаллий, қишлоқ электрлаштиришга бўлингани қайд этилган [21].

Қишлоқ хўжалигини электр суғориш, электрлаштириш ва индустрлаштириш бўйича аралаш турдаги ҳиссадорлик жамияти ташкилий бюроси йиғилиши баённомасида “электр станциялар тармоғининг ривожини сабаб суғоришда ана шу энергия туридан фойдаланиш масаласи пайдо бўлгани, суғоришни электрлаштиришнинг афзал шароитлари жуда кўплиги, келгусида унинг рентабеллигини аниқлаш, ерларни машиналашган суғориш ўз-ўзидан қимматлиги маълум бўлса ҳам, дала майдонларидаги қимматли экинлар, масалан, пахтани суғоришга бириктириш кераклиги” таъкидланган [22].

Хулоса. Юқоридаги архив фондлари ҳужжатларидаги маълумотлар тарихий аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, республикада гидроэнергетик иншоотларнинг бунёд этилиши борасида амалга оширилган ишларни фактик материаллар орқали ўрганиш имконини беради.

Адабиётлар / Литература / References:

1. *Батафсил қаранг:* ЎзМА Р-837-фонд, 2-рўйхат, 371-йиғмажилд, 1-65-варақлар.
 2. ЎзМА Р-1-фонд, 1-рўйхат, 551-йиғмажилд, 33-34-варақлар.
 3. ЎзМА Р-10-фонд, 1-рўйхат, 39-йиғмажилд, 185-варақ.
 4. Ўша жойда.
 5. ЎзМА Р-837-фонд, 2-рўйхат, 369-йиғмажилд, 52-варақ.
 6. ЎзМА Р-837-фонд, 2-рўйхат, 369-йиғмажилд, 53-54-варақлар.
- * *Дреннов Константин Алексеевич (1891–1941)* – совет электротехниги ва гидрокимёғари, иқтисодчиси. XX асрнинг 20-йилларида Ўрта Осиёда электрлаштириш муаммолари билан шуғулланган. 1937 йил бошида К.А. Дреннов

Чирчиқстрой раҳбари Д. Розит ортидан ҳибсга олинган. Қамоқдан у В. Молотовга хат ёзиб, ўзининг ва Д. Розитнинг номини тиклашга ҳаракат қилган. Колимада вафот этган. 1957 йилда оқланган.

7. ЎзМА Р-9-фонд, 1-рўйхат, 2713-йиғмажилд, 300-варақ.
8. ЎзМА Р-9-фонд, 1-рўйхат, 2713-йиғмажилд, 311-варақ.
9. ЎзМА Р-382-фонд, 1-рўйхат, 692-йиғмажилд, 4-варақ.
10. ЎзМА Р-837-фонд, 32-рўйхат, 410-йиғмажилд, 30-31-варақлар.
11. ЎзМА Р-837-фонд, 32-рўйхат, 410-йиғмажилд, 33-варақ.
* *Розит Дав (Давид) Петрович (Дэвис Розітис) (1895–1937)* – совет иқтисодчиси, сиёсатчи, хўжалик арбоби.
12. ЎзМА Р-837-фонд, 8-рўйхат, 67-йиғмажилд, 123-124-варақлар.
13. “Стахановец “Чирчиқстроя”. 14 марта 1938 г.
14. ЎзМА Р-9-фонд, 1-рўйхат, 329-йиғмажилд, 86-86-орқа варақлар.
15. ЎзМА Р-89-фонд, 7-рўйхат, 16-йиғмажилд, 124-варақ.
16. Ўша жойда.
17. ЎзМА Р-95-фонд, 2-рўйхат, 1189-йиғмажилд, 9-варақ.
18. ЎзМА Р-10-фонд, 1-рўйхат, 710-йиғмажилд, 1-2-варақлар.
19. ЎзМА Р-837-фонд, 17-рўйхат, 63-йиғмажилд, 8-варақ.
20. ЎзМА Р-837-фонд, 17-рўйхат, 82-йиғмажилд, 60-варақ.
21. ЎзМА Р-88-фонд, 1-рўйхат, 2294-йиғмажилд, 227-варақ.
22. ЎзМА Р-88-фонд, 1-рўйхат, 1713-йиғмажилд, 20, 32, 39-варақлар.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 10 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатиغا олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).